O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
17 AVGUST
SHANBA
№ 99 (26.958)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Миллий матбуот марказида телевидение, радио, газета ва журналлар, ахборот агентликлари иқтисодий мавзуларни ёритишга ихтисослашган журналистларининг малакасини ошириш учун ташкил этилган икки кунлик семинар-ўқиш бошланди.

Жамият ҳаётига бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари қанчалар кенг жорий этилса, аҳолининг бу тизим мазмун-моҳиятини чуқур англаб, унга тезроқ мослаша бориши учун ҳаққоний ахборотга шунча кўп эҳтиёж туғилади. Қолаверса, халқимизда «Аввал таом, кейин калом» деган пурҳикмат мақол бор. Бу инсон нафақат ўз оиласи, балки ўзи яшаётган мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи, унда юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини ҳам теран тушуниб, эртанги кун учун режалар белгиламоғи лозим, деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳузурида 2003 йил республика давлат бюджети лойиҳасининг муҳокамасига бағишлаб куни кеча ўтказилган йиғилишда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз мазкур муҳим масалалардан оммани ўз вақтида ва тўла-тўкис хабардор этиш, иқтисодиёт билан боғлиқ тушунчалар, уларнинг амал қилиш механизмлари, жумладан, давлат бюджети, мавжуд солиқ тизимининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш зарурлигини таъкидлади.

Мазкур семинар-ўқиш бу вазифани бажариш борасидаги қадамлардан биридир.

Тадбир иштирокчилари Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси етакчи мутахассисларининг бу борадаги маърузаларини тинглайди.

Семинар-ўқишнинг биринчи кунида «Давлат бюджети шаклланиши ва ижросининг умумий тамойиллари», «Маҳаллий бюджетларнинг тузилиш тартиби», «Бюджетлараро муносабатлар: уларнинг бошқарилиши, ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш йўллари» тўғрисидаги маърузалар қизғин муҳокама этилди.

Журналистлар соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган жуда кўплаб саволларга жавоблар олди.

Машғулотнинг биринчи куни иқтисодий мавзуларни ёритишга бел боғлаган барча журналистлар ҳам бу борада замон талаби даражасида тушунча ва тасаввурга эга эмаслигини, кенг оммага муайян мавзуни тушунтириб, таҳлил этиб беришга чоғланган кишиларнинг ўзлари билим ва тажрибасини бойитиши, мураккаб иқтисодий масалаларни тўғри ва холис ёритиш кўникмаларини пухта эгаллаши зарурлигини кўрсатди.

■ (ЎзА)

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ГАВЖУМ

Амударёнинг қуйи оқимида — Жанубий Орол этакларида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси халқи ҳам Мустақилликнинг 11 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Янги ўқув йили улуғ байрам тантаналарига эш келаётгани ҳам қувончли. Қорақалпоғистонда жами 763 та мактаб бўлиб, шундан 682 таси овулларда жойлашган. Ўқувчиларни дарслик, ўқув қуроллари, кийим-кечаклар билан таъминлаш мақсадида мактаб бозорлари уюштирилгани мақсадга мувофиқдир. «Қорақалпоқтутинув» акциядорлик компанияси 36 ҳудудда мактаб бозорлари ташкил этди.

■ (Ўз мухбиримиз)





■ Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

Пойтахтимизнинг қоқ марказидан бошланадиган Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб юрсангиз, Бўзсув канали кўпригидан ўтишингиз биланоқ ўнг томонда қад ростлаган гумбазли иншоотга кўзингиз тушади...

Маълумки, яқин-яқингача бу ер беўхшов жарлик, ташландиқ соҳилдан иборат эди. Мустабидлик даврининг 1930-50 йилларида бу ерда минглаб ҳамюртларимиз қатағон қилиниб, отиб ташланган эди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси барпо қилиниб, 2000 йил 12 май куни унинг очилиш маросими бўлган эди. Ҳозир бу ерда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи барпо этилмоқда. Бугун бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи билан уйғунлашиб кетган ушбу мезей қатағон йилларида қурбон бўлган, мустабид тузум даврида топталган тақдир эгаларига миннатдор авлодларнинг буюк эҳтиромидир.

Суратларда: музейнинг умумий ва ички кўриниши; чапдан монтажчи Рафиқ Ҳафизов, рассом Володя Козирянский, Тошкент бадиий кулолчилик комбинати раҳбари ўринбосари Маҳмуд Мамажоновлар иш устида.

ТАСАВВУФ ВА ЗАМОН

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида республикамизнинг шарқшунос олимлари, таниқли уламолари, шунингдек, мазкур ўқув даргоҳининг ўқитувчи ва иқтидорли талабалари иштирокида тасаввуф манбаларини ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда «Тасаввуф таълимотида мутаассибликдан холи комил инсон сиймоси», «Нақшбандийликда яратувчанлик ва дунёвийлик моҳияти», «Темурийлар даврида суфийлик ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт», «Агиографик асарларда етук инсон сиймосининг тасвирланиши», «Тасаввуф манбаларини ўрганиш муаммолари», «Маҳмуд Замахшарий асарларида тасаввуф ғоялари талқини» каби мавзуларда фикр алмашилди.

Ўзбекистон тарихининг Уйғониш даврида тасаввуф маърифий, илмий моҳият касб этиб, ўша пайтдаёқ авж ола бошлаган фирқаларга бўлиниш ҳамда мутаассибликка қарши чиқди. Мазкур ғояларни халқ оммасига сингдиришда, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча таниқли ижодкору олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Тасаввуф таълимоти инсон руҳияти, ички олами, ҳислари парвозини ифодалаб, Шарқ фалсафий тафаккурида муҳим ўрин эгаллаган эзгу ғоялар, ҳикматлар мажмуидир.

Анжуманда таъкидланганидек, ҳар қандай таълимот сингари тасаввуф ғоялари ҳам ўзи пайдо бўлган давр дунёқараши, қадриятлар силсиласини ифода этади. Шу маънода мазкур таълимотнинг барча қарашларини бугунги кунга татбиқ этиш, уларга кўр-кўрона амал қилиш ҳам ўзини оқламайди.

Тасаввуф бир томондан диний, иккинчи томондан, фалсафий-ирфоний қарашлардан озиқланган ўзига хос таълимот экан, унга замонамиз руҳидан, XXI аср кишиси маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ижодий ёндашиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

■ (ЎзА)

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ АРАФАСИДА

ПОЙТАХТДАГИ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИГА ҚИЗҒИН ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА. МУХБИРИМИЗ САМАРҚАНДЛИК ҚАТНАШЧИЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИНИ ЁЗИБ ҚАЙТДИ

Зокир ТИЛЛАЕВ, вилоят халқ ижодиёти маданий-маърифий илмий услубият маркази раҳбари:

— Очиғини айтай, истиқлол, ҳурлик бўлмаганида бундай йирик тантаналарда қатнашишга йўл бўлсин эди. Муҳими, санъатимиз дунёга чиқди.

Мен 11 йилдан бери вилоят бадиий жамоаларига раҳбарлик қиламан. Улар орасидан иқтидорлиларни саралаб, пойтахтга олиб келамиз. Бу сафар Ургут туманининг «Бешқарсак» фольклор этнографик дастаси ҳамда Пастдарғомнинг «Дарғом таронаси» ашула ва рақс дасталари шу бош майдонда ўтказиладиган тантанада қатнашади. Улар Франция, Италия, Швейцария каби мамлакатлардаги чиқишлари билан Ўзбекистон номини улуғлаган. Ҳозир байрам репетициялари ўтказилмоқда. Ниятимиз мухлисларни мамнун этиш.

Озода АЗИМОВА, вилоят «Ўзбек рақс» дастасининг раққосаси:

— Булунғурдаги «Ёшлик» ашула ва рақс дастасининг раққосаси эдим. Мана тўрт йилдирки, меҳнатларим мутахассислар эътиборига тушиб, пойтахтнинг бош майдонида ўтказилувчи улуғ байрамда қатнашиб келмоқдаман. «Роҳат», «Тановар» каби миллий халқ рақсларини ижро этганман. Хонанда Рустам Хожимамедов ижросидаги «Самарқанд ушоғи» қўшиғига рақс тушишга тайёргарлик кўраяпман.

Шокиржон НАБИЕВ, Ургут туманидаги «Бешқарсак» дастаси хонандаси:

— Бундай пайтда яхши ният қилмайдиган одам бўлмаса керак. Илоҳим азиз байрамимиз доимий бўлсин. Шунда санъатимиз сайқал топаверади. Халқимиз руҳини кўтараверамиз. 11 йилдан бери катта тантанада иштирок этиб келаётганим билан фахрланаман. Мустақиллик туфайли дунёни кўрдим. Туркия, Югославия каби мамлакатларда олқишларга сазовор бўлдим. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Хошимжон ОРЗУҚУЛОВ, Пастдарғом тумани, «Дарғом таронаси» дастаси хонандаси:



— Улуғ байрамда қатнашишни кўпдан бери орзу қилардим. Ниҳоят ниятимга етдим. Бу йил биринчи маротаба иштирок этадиган бўлиб турибман. Шунинг учун ҳар куни ҳаяжондаман. Мени қувонтиргани Мустақиллик майдонидаги байрам тантаналарида кўпроқ қишлоқлардаги истеъдодларга ўрин берилаётганидир. Бўлмаса, мендек оддий қўшиқчи пойтахтдаги энг катта саҳнага чиқармиди. Мен Ғайрат Бобоқуловнинг «Самарқанд осмонидаги юлдузлар» қўшиғини айтишга ҳозирланаяпман.

■ **Роҳила ИСМАТИЛЛАЕВА ёзиб олди.**

БУГУНГИ КУНДА ДУНЁНИНГ ҚАЙСИ ҚИТЪАСИГА, ҚАЙСИ ЙИРИК ШАҲРИГА БОРМАНГ, ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ ТУШИРИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ҲАВО КЕМАЛАРИ ПАРВОЗИНИ КЎРИБ, ҚАЛБИНГИЗ ФАХРГА ТЎЛАДИ

Президентимиз Фармонига кўра, август ойининг учинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флоти куни, деб белгиланган.

Ўзбек ҳаво флоти ўтган йиллар мобайнида жаҳон авиахизматлар бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллади. Эндиликда, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» байроғи остида 20 дан ортиқ олис хорижий мамлакатга, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйлаб 30, мамлакатимизда эса 16 йўналиш бўйича парвозлар амалга оширилмоқда. Жаҳоннинг турли минтақаларида авиакомпаниянинг 40 та ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз фуқаро авиацияси ходимлари янги марраларни кўзламоқдалар. Чунончи, миллий авиакомпаниянинг кузги-қишки учиш жадвалида иккита янги шаҳар — Токио ва Теҳрон ўрин олган. Пойтахтдан ушбу шаҳарларга ҳам мунтазам парвозларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Маълумки, янги қатновларнинг очилиши йўловчилар ва юк ташиш оқими бозорини ўрганиш, у ёки бу давлат авиация маъмурлари билан музокаралар олиб бориш, кўпгина дипломатик, идоравий, тижорат ва бошқа қўшма ҳужжатларни имзолаш билан боғлиқ бўлган узоқ ва мураккаб жараёндир. Иқтисодий манфаат ва парвозлар хавфсизлиги эса бунда асосий мезон ҳисобланади. Эрон билан ҳаво қатновлари тўғрисидаги қўшма ҳукуматлараро ҳужжат қабул қилинганига кўп бўлган. «Эрон Эйр» авиакомпанияси кўп йиллардан буён Теҳрон — Тошкент — Алмати йўналиши бўйича мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Яқин кунларда бизнинг делегациямиз эронлик ҳамкасблари билан тижорат битимини тузиш учун сафарга отланади. Бўлажак битим бизнинг учувчиларимизга октябрь охиридан бошлаб ҳафтада бир марта икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиайўналишни йўлга қўйишга имкон беради.

Кунчиқар мамлакат билан ҳамкорлигимиз беш йилдан буён амалга оширилмоқда. Ана шу вақт мобайнида, ўзбек «Боинг»лари ва «А-310» евроаэробуслари Японияннинг турли мамлакатларига ўнлаб чартер парвозларини амалга оширди. Тошкент ва Осака ўртасида эса мунтазам парвозлар бажарилмоқда. Ушбу ҳаво кўприги Японияни Марказий Осиё ва Кавказорти минтақаси билан боғловчи ягона авиатранспорт томиридир. Юртбошимизнинг Японияга яқинда қилган сафари чоғида Кунчиқар мамлакат билан ҳаво алоқаси соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги келишув ҳукуматлараро битим имзоланишини жадаллаштириш учун муҳим қадам бўлди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассислари жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, янги авиайўналишларни очиш йўлида фидокорона ишламоқдалар.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ХДП ХАБАРИ

СЕМИНАР-КЕНГАШЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан уюштирилган минтақавий семинар-кенгашларнинг сўнггилари 13 ва 15 август кунлари Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари негизида бўлиб ўтди. Уларда иштирок этган мазкур партия ташкилотлари кенгашлари ижроия бюро аъзолари, уларнинг тасарруфидаги шаҳар, туман партия кенгашлари котиблари ҳамда партия аппаратлари масъул ходимлари, шунингдек, ХДПдан сайланган депутатлар диққатига Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг **«Мамлакатдаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари»** мавзуидаги маърузаси ҳавола қилинди. Шундан сўнг улар Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари биринчи котиблари С.Аъзамов, Л.Ғуломов, қатор туман (шаҳар) партия ташкилотлари етакчиларининг Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ахборотларини тингладилар.

Семинарлардаги маъруза ва нутқларда мамлакатимиздаги парламент ислоҳотининг мазмун ва моҳияти, унинг демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, сиёсий партияларнинг имконият ва масъулиятини ошириш учун аҳамияти, Ўзбекистон ХДП, айниқса, унинг Олий Мажлисдаги депутатлик фракциясининг ушбу умумдавлат ишида фаол иштирок этиши каби долзарб масалалар катта ўрин эгаллади. Шу билан бирга, ЎзХДПдан сайланган депутатлар ва маҳаллий партия ташкилотларининг жойларда иқтисодий-ижтимоий (хусусан, қишлоқ хўжалиги, уй-жой-коммунал хизмати, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа соҳаларда) ислоҳотларнинг боришига, бу йўлдаги камчилик ҳамда тўсиқларни бартараф этишга қаратилган амалий чораларни кўришга кўмаклашишга даъват этилганликлари эслатиб ўтилди.

Тадбирларда, шунингдек, маҳаллий партия ташкилотларининг фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд муаммо ва нуқсонларнинг сабаблари очиб ташланди, уларни бартараф этиш йўли ҳамда воситалари кўрсатилди, партия раҳбар кадрларини танлаш ва тарбиялаш масалаларига эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тошкент вилоят партия ташкилотидаги семинар-кенгашда мазкур вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Аҳмаджонова сўзга чиқди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

САОДАТЛИ АЙЁМДАГИ ЎЙЛАР

Ўн бир йилки,
Озодликдан баҳрамандмиз,
Ўз юртига,
ўз элига жигарбандмиз.
Икки дарё орасини
қилиб обод,
Оқсаройни қуриб қўйган
аржумандмиз.

Бугун Мустақиллигимизнинг ўн биринчи йили сарҳадида туриб, босиб ўтилган тараққиёт йўлимиз, халқимиз ва мамлакатимиз бошидан ўтган турли қувончлар ва изтироблар, тарихий воқеалар, туб бурилишларга бирмунча баҳо бериш, уни ақл элагидан ўтказиб, қайсидир даражада қийматини белгилаш палласида турибмиз.

Куни кеча эмасмиди, Юртбошимиз Олий Кенгаш минбаридан туриб «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қиламан», деганида залда ўтирган депутатлару меҳмонлар бир зум ўзларини йўқотиб қўйишган палла. 500 кишилик муҳташам зал сув қуйгандек тинчиб, гўё музлаб қолган эди. Чунки, Президент айтган ана шу биргина гап бутун залдагиларни ваҳимага солиб қўйган эди. Бунинг ҳам ўзига хос асослари бор, албатта. Чунки, мустабид шўро тузуми тиш-тирноғи билан иттифоқдош республикаларга зуғум ўтказаётган, аҳоли зич яшайдиган жойларда миллий ва миллатлараро низоларни авж олдираётган, сиёсий ва ҳарбий зўравонликни кундан-кунга ошириб бораётган бир пайтда бир инсоннинг мамлакат мустақиллигини рўй-рост, очиқдан-очиқ эълон қилиши тарихий заруратми, шунчаки гапми, уни қандай қабул қилиш керак? Ана шундай иккиланишлар табиий равишда залдагиларни таҳликага солиб қўйган эди.

...Ниҳоят, бироз ҳадикнома, таҳликали жимликдан сўнг зал жунбушга келди, гулдурос, давомли қарсаклар чалинди. Ва, албатта, шуни очиқ айтиш керакки, ўша пайтда қарсак чалиб туриб ҳам, ваҳимага тушаётганлар, иккиланаётганлар оз эмасди. Улар азбарои уялганидан, ҳамма қатори қарсак чалишарди, холос. Албатта, мутлақ кўпчилик бу даъватнинг нақадар асосли, жуда катта сиёсий, тарихий, маънавий аҳамияти борлигини тушунишган эди. 1991 йил 31 август куни бўлиб ўтган бу воқеа мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очди, халқимиз ҳаётини янги мазмун билан бойитди.

Мустақиллигимиз
абадий бўлсин,
Бошида то абад
саодат кулсин.
Эркпарвар эл борки,
Ўзбекистонда,
Ватан деса —
қалби қувончга тўлсин!

Мустақиллик, Озодлик, Ҳуррият, Эркинлик, Инсон қадри, унинг моҳияти борасида ўйлайдиган, ўйлаганда ҳам чуқур ўйлайдиган, ҳар томонлама ўйлайдиган, унинг бутун қўламини англашга эҳтиёж сезилган даврнинг дебочаси эди бу.

Бугун Мустақилликнинг ўн биринчи йили сарҳадида туриб, яна шундай ҳаяжонли, баъзан изтиробли хотираларни эслаймиз.

(Давоми 2-бетда)

САОДАТЛИ АЙЁМДАГИ ЎЙЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улар, албатта, 1990-1991 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг танглиги, дўкон пештахталари бўшаб, бир дона нон, ярим кило гўшт ёки бир шиша ёғ учун магазин ойналари синдириб ташланган, эртадан кечгача навбат кутишган кунлар аччиқ хотира бўлиб қолди. Ва айни ана шундай руҳий озурдалик, сиёсий беқарорлик пайтида давлат барча фуқаролар ҳаётини ва бутун тақдирини жасорат билан ўз зиммасига олганлигини, биз ўз дастурхонимизни ўзимиз тўлдирамиз, фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, ғалла мустақиллигига эришамиз, деган даъватларни ўртага ташлаганлигини мамнуният билан эслаймиз. Албатта, ўшанда кимлардир бу даъватларни мийиғида кулиб қабул қилди. Кимлардир очиқ-ошкора қаршилик кўрсатди. Лекин халқ — виждонли, соф ниятли, бунёдкор кишилар давлат атрофида жипслашди. Бугун Ўзбекистон ғалла хирмони тўрт миллион етти юз минг тоннадан ошган, нафақат омборларимиз, хонадонларимиз ғаллага тўлиб-тошган бир пайтда ана шу изтиробли кунларни эслаш савоб деб ўйлаймиз. Озгина виждони бор одам, бир тутам иймони мавжуд инсон бу кунларга шукроналар айтиши, шубҳасиз.

Миллий ғоя, миллий ғурур, миллий ифтихор,
Юрагингда ўтдек ёнсин, ёнсин беғубор.
Бошинг баланд, қаддингни ғоз тутгил дунёда,
Элим деб ён, юртим деб ён, азиз биродар.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари бир томондан диний ақидапарастлик хуруж қилган, мамлакатни ислом республикасига айлантиришга интилган сохта диндорлар, бир томондан турли сиёсий найранглар билан ҳокимиятни эгаллашга интилаётган сохта демократларнинг тажовузлари, бундай изтиробли кунлар, бундай уйқусиз тунлар энди хаёлимизда эртакдай гавдаланади. Ваҳоланки, уларнинг гумашталари, «думлари» бугун олис-олислардан, пана-пастқамлардан гуллаб-яшнаётган юртимизга, орзулари бисёр, умидлари пойидор халқимизга ва энг муҳими, энг муқаддас ғояларимизга тажовуз қилишни пойлаб ётишибди.

Иймон — Сўз ва Амалдан иборатдур,
Виждон узра қурилган бир иморатдур.
Аҳли баттол қилмасин уни поймол,
Башарият наслига башоратдур.

Февраль воқеалари, Бўстонлиқ, Узун, Сариосиё тоғларидаги қонли тўқнашувлар мустақиллигимизга ва бугунги серфайзу сертароват ҳаётимизнинг ташаббускори, раҳнамоси Президентимизга қилинган тажовузлар юрагимизда чандиқ бўлиб қолди. Қалбимизнинг туб-тубида тузалмас жароҳат бўлди. Бироқ, бизнинг ҳаётимиз, ўн бир йиллик тарихимиз фақат изтироблардангина иборат эмас. Бу жуда катта бунёдкорлик, жуда катта қувончлар ва асрларга татигулик ютуқлар даври бўлди.

Халқимизнинг боши осмон бўлсин,
Кўнглини безаган иймон бўлсин.
Виждони амрини қилсин адо,
Омон боши узра Яздон бўлсин!

Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Мансур Мотрудий, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқа ўнлаб дин уламолари билан бирга Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Аҳмад ал-Фарғоний сингари буюк алломаларимиз, дунё давлатчилиги тарихида бутунлай янги саҳифа очган, энг адолатли, энг демократик, энг инсонпарвар жамият қурган соҳибқирон Амир Темур, Ватан фидойиси Жалолиддин Мангуберди, халқимиз руҳиятининг, феъл-атворининг ва бутун ўзига хослигининг бетимсол рамзи бўлган Алпомиш юбилейларининг нишонланиши ўзбек миллий маънавиятининг умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилганлигини исбот қилиб берди. Дунё мехварида ўзбек жаҳон цивилизациясининг соҳибларидан бири, Ўзбекистон эса унинг олтин бешиги эканлигини кўрсатди. Буни дунё тан олди.

Бир пайтлар бир дона мих ишлаб чиқаришга қурби етмаган, велосипед ишлаб чиқаришни тушида ҳам кўрмаган халқимиз бугун дунёнинг йигирма саккизинчи автомобиль заводига эга бўлган давлат фуқароларига айланди. «СамКочавто», «ЎзДЭУ» автозаводлари бугун нафақат мамлакатимизнинг, халқимизнинг, балки бир қатор хорижий давлатларнинг ҳам диққатини ўзига тортмоқда. Бугун ўзбек автомашиналари, айтиш мумкинки, дунё халқларининг оғирини енгил қилмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ўзининг технология ечимлари ва ишлаб чиқариш қуввати билан жаҳоннинг саноқли корхоналаридан бири ҳисобланади. Биргина ана шу завод туфайли бугун Ўзбекистон тўла нефть мустақиллигига эришди. Бир пайтлар нефтга бўлган эҳтиёжимиз фақат хориждан келтирилган маҳсулотлар орқали қондирилар эди. Энди юртимиз хорижга энг тоза, юқори сифатли нефть маҳсулотлари етказиб берадиган масканга айланди.

Юртимизнинг ўнлаб вилоятларида фойдаланишга топширилган енгил саноат ва тўқимачилик корхоналари хомашёни қайта ишлаш билан мамлакатимиз хазинасини бойитмоқда.

Эй, халқу Ватанга жони фидолар,
Ўкирган шер каби қилинг нидолар.
Оёққа кўзғолсин Ватан деса, эл:
Фидокор улусни кўрсин дунёлар.

Соҳибқирон Амир Темур «Қудратимизга шубҳангиз бўлса биз қурган биноларга боқинг», деган эди. Дарҳақиқат, давлатнинг қудрати, халқнинг шижоати, миллатнинг ғурури ва ифтихори унинг яратувчилик иқтидори билан белгиланади. Президентимиз раҳнамолигида ва бевосита муаллифлигида Имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш мажмуалари, ал-Хоразмий ва ал-Беруний ёдгорликлари, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва бошқа юзлаб бинолар, бозорлар, маданий ва маиший иншоотлар дунёга келди. Йўллар ва кўприклар қурилди. Буларнинг ҳаммаси йилма-йил тадрижий тарзда тартибга солинадиган бўлса, бу рўйхатнинг чеки йўқ, бажарилган ишлар кўлами ва миқёсини белгилаш мушкул.

Бугун Мустақилликнинг ўн биринчи йили остонасида ана шундай шукуҳли туйғулар оғушида яшаяпмиз. Албатта, ана шу қувончлар, ана шу беҳисоб саодатлар бизни яна ҳам хушёрликка, яна ҳам огоҳликка даъват этади. Эртанги кунимизга катта ишонч билан бирга ўта ҳушёрлик билан қарашни ҳам тақозо этмоқда. Зотан, ишонч ва хушёрлик, қатъият ва ирода мустақилликнинг ҳам, ўз орзу-умидларимизнинг ҳам таянчи.

Бугун биз Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик сарҳадида туриб изтиробли кунларимизни эслаймиз. Бизни менсимаган, бизга ишончсизлик билан қараган «дўст»ларимизни хотирлаймиз. Мустақиллигимизга, буюк келажагимизга, тақдири тақдиримиз билан, орзулари орзуларимиз билан, умидлари умидларимиз билан боғланиб кетган Юртбошимизга тажовуз қилганларни эсга оламиз. Уларга жуда катта нафратимизни, жонажон юртимизга эса беқиёс муҳаббатимизни изҳор этамиз. Зотан, ёвузликка нафрат, эзгуликка муҳаббатгина ҳаётимизга саодат келтиради.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат,
Жаҳон аро топсин обрў, топсин шавкат.
Аҳли жаҳон саройига ўзбек зевар,
Ўзбек билан Ўзбекистон тўксин савлат!

■ **Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ IX СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ЭНГ МУҲИМИ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

БУ ЭСА ҚОНУНЛАРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПИБ БОРМОҚДА

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси кун тартибига муҳокама учун киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам ўз моҳияти жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Мухбиримиз Олий Мажлиснинг ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машкура САФАЕВА билан ушбу масала хусусида, унинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида суҳбатлашди.

— Маълумки, Юртбошимизнинг бир қатор Фармонлари асосида «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида» Давлат дастури қабул қилинган бўлиб, бу дастур кўп йилларга мўлжалланган. Дастур асосида тиббиёт соҳасига тааллуқли қатор қонунлар қабул қилинди.

Шу йилнинг 5 июлида Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. Ушбу қарорда Республика гемотология хизматини ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Парламент сессиясининг кун тартибига муҳокама учун қўйилган «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ушбу давлат дастурини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Қонуннинг асосий вазифаси аҳолини яхши самара берадиган, инсон учун безарар қон ва унинг таркибий қисмлари, шунингдек, донор қонидан олинган даволаш воситалари, яъни препаратлар билан таъминлашдир.

Маълумки, қон ва унинг таркибий қисмлари табиатда фақат инсон организмидан олинадиган ягона дори-дармон. Ана шу восита вақти келганда муҳим муаммога айланади.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида депутатлар, олимлар ва мутахассислардан тузилган ишчи гуруҳи томонидан Россия, Украина, Белорусь, Қирғизистон, Англия, Франция ва Германия каби қатор давлатларнинг қон донорлигига оид қонунлари, умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияномалари синчиклаб ўрганилди. Шу асосда 28 та моддадан иборат янги Қонун лойиҳаси тайёрланди.

Қон ёки унинг таркибий қисмлари бутун дунёда ихтиёрий, лекин кўпчилик мамлакатларда инсонпарварлик ёрдами тариқасида топширилади. Айрим давлатлардагина донорлар пул эвазига қон топширадилар. Шунга кўра, Қонун лойиҳасида қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш бепул ва пуллик асосда амалга оширилиши қайд этилди.

— Қонун лойиҳасида аутодонорликни йўлга қўйиш ҳақида ҳам гап боради. Шу ҳақда тўхталсангиз.

— Марказий Осиё давлатлари ичида биргина Ўзбекистонда донор қони банки мавжуд бўлиб, унда 2 ярим минг доза қоннинг таркибий қисми бўлган эритроцит сақланмоқда. Унинг сақланиш муддати 10 йил.

Қонун лойиҳасида аутодонорлик тўғрисида ҳам кўрсатилди, яъни ҳар бир фуқарога келажакда зарурат туғилиши эҳтимоллигини назарда тутиб, олдиндан қон топшириши мумкинлиги жорий этилди. Бу қон банкида сақланади ва керак бўлганда ўша кишининг ўзига ишлатилади.

Ушбу қонун аутодонорликни ривожлантиришга ҳам асос солади, деб ўйлайман.

— Қон топширувчи киши аввало тиббий кўрикдан ўтиши керак. Бу жараён қандай кечади?

— Қон ва унинг таркибий қисмларини топширишдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш ва бу ҳақда маълумотнома бериш бепул амалга оширилиши қонун лойиҳасида кўрсатилди. Ушбу ишлар хусусий тартибда амалга оширилиши тақиқланади. Шунингдек, қон билан ишлаш хизматининг ваколатлари белгиланиш билан бирга донорликка маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, ҳамда донор контингентлари билан боғлиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳам ваколатлари ва масъулиятлари белгиланди. Бу эса ўз навбатида қонунни оғишмай бажариш ва донорликни ривожлантириш учун бюджетдан маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминлайди.

— Лойиҳада кўзда тутилаётган донорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз?

— Донорларнинг саломатлигини таъминлаш кафолатланиши, соғлиғига етказилган зарар қопланиши ҳамда қон ва унинг таркибий қисмини топширган куни бепул овқат билан таъминланиши лойиҳада ўз аксини топган. Шунингдек, донор бўлишга розилик билдирган шахс тиббий кўрикдан ўтиш пайтида ўзининг аввалги ва ҳозирги касалликлари тўғрисида маълумотларни билдириши каби мажбуриятга эга эканликлари ҳақида ҳам сўз боради.

Уларга кафолатлар ва компенсациялар берилиши лойиҳада ўз ифодасини топган. Қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни (тиббий кўрикдан ўтадиган кун) донор ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан, ўқишдан, хизматдан озод қилинади. Шунингдек, донорга ҳар сафар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган куннинг эртасига, албатта, дам олиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бир кун берилади.

Қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ва бепул топшириб келган донор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланишига ҳам эътибор қаратилди. Ҳатто, қонун лойиҳасида қон билан ишлаш хизмати — тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳақида ҳам гап боради.

■ **Суҳбатдош:**
Маъмуржон ҚИЁМОВ

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашида ўтказилган маърифий тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бош маслаҳатчиси А.Исмоилов «Ўзбекистон Конституцияси – ҳаётимиз қомуси» мавзуида маруза қилди. Тадбирни вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов олиб борди.

Қарияларни қадрлаш йили давлат дастурига мувофиқ, **Оқолтин туман партия кенгаши,** туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда, турли-туман тадбирлар ўтказмоқда. Яқинда унинг саъй-ҳаракатлари билан бир гуруҳ хизмат кўрсатган отахон ва онахонлар «Ўзбекистон овози» газетасига жорий йилнинг иккинчи ярми учун кенгаш ҳисобидан обуна қилиндилар. Улар орасида туман «Нуроний» жамғармаси раиси Ё.Тўлибоев, ЎзХДП фаоли — меҳнат ва уруш фахрийси Х.Хўжабоев ва бошқалар бор.

Чуст туман партия кенгашининг режасига кўра, туманда маънавиятни ривожлантириш масаласига бағишланган, семинар бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари ушбу мавзудаги маърузадан сўнг шу соҳадаги навбатдаги вазифалар хусусида кенгашдилар. Шундан кейин улар «Ғовасой» ширкат хўжалиги ҳудудидаги маданият уйи, қишлоқ музейи ва кутубхонаси иши билан танишдилар.

ЎзХДП Чортоқ туман кенгаши, Наманган вилояти аёллар заҳираси маркази билан ҳамкорликда, хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган, махсус тренингни ташкил этишга ҳисса қўшди. Марказ вакиллари Д.Акрамова, С.Ҳамдамова, Э.Дадабоева, М.Каримов ва туман партия кенгаши биринчи котиби З.Ваҳобовлар бошқарган машғулот турли соҳа вакиллари бўлган тренинг иштирокчиларига ғоят маъқул бўлди.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

ЖИЗЗАХДА ОТЧОПАР ҚУРИЛМОҚДА

Шаҳарнинг «Қаҳрамон» посёлкасида беш минг томошабинга мўлжалланган «Жиззах отчопари» барпо этилмоқда. Айни кунларда қурилиш ишлари қизғин паллага кирди. «Жиззахчўлқурилиш» трестига қарашли қурувчилар бригадалари бу ерда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Отчопарнинг биринчи навбати мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги байрамида иш бошлаши кўзда тутилган. Жиззахликлар 1 сентябрь тонгида халқ сайли байрамини янги отчопарда кутиб олишмоқчи.

✧✧✧

Суратларда: *пайвандчи Ёрқин Очилов; «Жиззах отчопари» қурилишидан лавҳа.*

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

ҚАРОР МАҚСАДГА

Ушбу мақоланинг ёзилиши узоқ кечди. Кўп одамлар билан суҳбатлашилди, узоқ мулоҳаза қилинди. Бу мақола ёзилса, ўзимизга анча гап орттиришимиз мумкинлигини ҳам айтишди. Унга қарши бўлганлар анча кучли одамлар, деб бизни огоҳлантиришди ҳам. Мақола эълон қилингач, унга ё бизга қарши хатлар уюштирилиши мумкинлигини ҳам таъкидлашди.

Катта-кичик раҳбарлар кўзига ёмон кўриниб қолган, атрофини анча-мунча душман ўраб олган бу одам тўғрисида мақола ёзишга нега қарор қилдик?

Аввало, газетхонни огоҳлантирмоқчимиз. Биз бу одамдан қаҳрамон ясамоқчи эмасмиз. Ундан қарздорлигимиз ёки кимгадир хусуматимиз ҳам йўқ. Тўғриси, бу одам раҳбар сифатида амалга оширган ишлар ва раҳмат эшитиш ўрнига бошига тушган кулфатларни таҳлил этиб, тарозига солиб, охири ёзмасак бўлмас, деган қарорга келдик.

Яна бир томони, туман раҳбари сифатида у уч йил орасида амалга оширган ишлар кўлами бизни ҳайратга солди. Агар бу қурилишларни ўз кўзимиз билан кўрмаганимизда, биров айтганига ишонмасдик. Туманда, айниқса, қишлоқ туманида бундай бунёдкорлик ишларини ҳамма ҳам амалга ошира олмайди.

У ким ўзи?

Қишлоқдан чиққан йигит. Полтава университети филология факультетини, кейинчалик ТошДУнинг юридик факультетини тугатган. Туманда катта-кичик идораларда ишлаган, Марказий сайлов комиссиясига аъзо бўлган. Республика миқёсидаги идораларда ишлади, 1996 йили ўзи вояга етган, ишлаган Каттақўрғон туманига ҳоким этиб тайинланди.

Мухтор Ёрқулов деган бу янги раҳбарни туманда кўпчилик яхши биларди. Бироз кескинлиги, шартакилиги, юзинг-кўзинг деб ўтирмайдиган одатлари ҳам бор эди. Айни чоғда ғайратли, бошлаган ишини охиригача етказмай қўймасди. Шунинг учун кўпчилик уни мамнун қарши олди. Чунки, ўша пайтда туманда ижтимоий-иқтисодий аҳвол анча оғир эди. Энг ёмони, кейинги етти йил давомида қишлоқ хўжалигидаги барча соҳалар бўйича давлат режалари барбод бўлиб, деҳқонлар маошсиз қолиб келаётганди.

Отақул ХУСАНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор:

— Ҳақиқатан, Каттақўрғон оғир аҳволда қолганди. Ғалла, пахта буюртмалари бажарилмаётган, бошқа соҳалар ҳам қаровсиз ҳолатда эди. Ер талон-торожи авж олгандан авж олярди... Мухтор Ёрқулов келгандан кейин 1996 йилнинг ўзида 4000 гектардан ортиқ талон-торож ерлар давлат балансига ўтказилди. Мухтор ўта талабчан, ҳалол раҳбар эди. Буни қилган ишларидан ҳам билса бўлади...

Давлатга эмас, чўнтакка ишлаш оқибатида туман бюджети бўм-бўш аҳволга келиб қолганди. Масалан, 1995 йилнинг декабрь ойида тумандаги касса тушуми 271 минг сўмни ташкил қилди. Ўша пайтларда туманга давлат томонидан 1 йилга ажратиладиган уннинг миқдори 5,5 минг тоннани ташкил этарди. Биргина уннинг сотувидан бир ойга кассага тушадиган пул миқдорини ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Бу ва бошқа маблағлар нега бюджетга тушмаган? Маҳсулот ҳам, пули ҳам қўлма-қўл бўлиб кетаверган. Оқибат: нафақалар берилмай, бюджет ташкилотлари ўз вақтида маош ололмай қолган, эмиссия даражаси 89,6 фоизга кўтарилиб кетган.

Янги раҳбар ишни ёрни инвертизациялашдан бошлади ва кутилганидан анча катта хўжасизликнинг устидан чиқди. 4700 гектар ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгалланиб, айрим мансабдорлар томонидан талон-торож қилинаётгани аниқланди ва қайтариб олинди. Бу ерлардан фойдаланганлар орасида туман ва вилоятдаги казо-казоларнинг қариндош-уруғлари бор эди... Шунингдек, ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган бир қанча тўралар ишдан четлатилди.

Баҳорги мавсумга қизғин тараддуд бошланди. Дастлаб юзлаб километр коллекторлар тозаланди. Уруғчиликка эътибор қаратилди. Қайта фаолият бошлаган уруғчилик марказида 27 та нав синовдан ўтказилди. Ҳатто пахтанинг янги «Омад — Каттақўрғон» нави яратилиб сертификат олинди. Лизинг шартномаси орқали хўжаликларга юзлаб янги тракторлар, эҳтиёт қисмлари олиб келинди. Одамларда меҳнатга қизиқиш уйғонди. Натижада, 1997 йили Каттақўрғон тумани қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича давлат буюртмаларини бажарди. Пахтачилик бўйича хўжаликлар яхшигина даромад олди. Ғалла ҳосилдорлиги эса 1995 йил 12,5 центнер бўлган бўлса, 1997 йилга келиб 47,5 центнерга етказилди. Деҳқоннинг чўнтагига пул тушди. Оқибатда хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб, ўнлаб хўжаликлар «Тико», «Дамас» машиналарини сотиб ола бошлади.

Каттақўрғонда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи 10 дан зиёд қўшма корхона тузиш ҳақида Исроилдаги шериклар билан музокаралар бошланди. Ишламай турган паррандачилик фабрикалари маҳсулот бера бошлади. Тадбиркорликка кенг йўл очилди. Кичкина-кичкина цехлар ишга тушди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Дамхўжа — Навоий — Бухоро сув иншоотидан икки йўналишда давлат маблағидан 150 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Германиянинг «Семенс» фирмаси билан биргаликда Дамхўжадан Каттаминг йўналишида ичимлик сувини тозалаб берувчи иншоот ўрнатилишига киришилди. Улар ишга тушса ўнлаб қишлоқлар аҳолиси ичимлик суви билан таъминланарди.

Аҳолига арзонроқ, қулайроқ, экологик жиҳатдан тоза бўлган транспорт воситасидан фойдаланишга имконият яратиш мақсадида «Каттақўрғон — Пайшанба» йўналиши бўйича троллейбус қатнови учун рухсат олинди...

М.Ёрқулов деярли бир ярим йил ичида ҳамма соҳада ўзгариш қилди.

Юсуф ТОШМАМАТОВ, «Соғлом авлод» ордени соҳиби:

— Мен 40 йиллик ўқитувчилик фаолиятимда кўп раҳбарлар билан бирга ишладим. 1996 йили туманга раҳбар бўлиб келган Мухтор Ёрқулов мутлақо ташланиб қолди. Эмиссия даражаси режадаги 47,6 фоиз ўрнига 36,4 фоизга туширилди. Кузга келиб касса тушумлари бир ойда 78 миллионга етди. Нафақалар, бюджет ташкилотлари хизматчилари ўз вақтида маош ола бошладилар. Ўша йили туман марказининг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди.

Ҳамза ҲАМРОЕВ, тиббиёт фанлари номзоди:

— Айниқса, 1998 йил туманда катта ўзгаришлар рўй берди. Маҳаллалардаги, қишлоқлардаги бунёдкорлик, шифохоналарнинг таъмирланиши — буларни эслашмиз. Ўша йили 200 дан ортиқ турли объектлар бунёд қилинди. Туман марказидаги Мустақиллик майдони қурилиши эса Каттақўрғон учун катта воқеа бўлди. Марказида Навоий бобомизнинг ҳайкали қад кўтарган бу майдонни каттақўрғонликларнинг фахри деса арзийди.

Нафақат туман марказида, балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам ўша йили янги иморатлар ишга тушди. Қурилиш ишлари кўпайгач, мардикор бўлиб тарқаб кетган усталар ва ёш йигитлар Каттақўрғонга қайтиб кела бошлаганди.

Янги раҳбарнинг хўжасизликка, талон-торожлик ва гуруҳбозликка қарши кураши тўсиққа учраши табиий эди. 1998 йилнинг ноябрь ойига келиб ҳокимга қарши ҳаракатлар бошланди.

«Пайшанба» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раҳбари Юсуф Орзиев ва Каттақўрғон йўллардан фойдаланиш бошқармаси раҳбари Актам Мустафоевларга жиноят иши очилди. Гап шундаки, тергов давомида улардан ҳокимга қарши кўргазма бериш талаб этилди.

Актам МУСТАФОЕВ:

— 1998 йил ноябрнинг бошларида Пайшанба кўрғонча фуқаролар йиғини раиси Қамариддин Аҳмедов бир киши билан келиб, «бу киши фалон идорадан», деди. Қамариддин ака «туман ҳокими М.Ёрқуловга берган нарсаларингизни ёзиб беринг», деб қоғоз узатди. Табиий, «тушунмадим» дедим. «Бўлмаса керакли жойда ёзиб берасиз» деди киноя қилиб. Яна «ёзсангиз ўзингизга яхши, йўқса Ёрқулов бўшагандан кейин сизга қийин бўлади» деди. Бу «шартларга» кўнмадим. «Келганимизни ҳеч ким билмасин» деб чиқиб кетди. Кейинчалик терговчи С.Шомуродов ҳам «ёзиб бер, йўқса, «сухарик» тайёрлаб қўй» деб роса қўрқитди.

Юсуф ОРЗИЕВ:

— Терговчи Мустафоев Мирза мени туман ҳокими Ёрқуловга қарши кўргазма беришга бир неча бор мажбур қилди. Савдо расталарини қуриш учун ишлатилган 245 377 сўмга «Мухтор Ёрқуловнинг топшириғига кўра бозорлик қилиб бердим» деб кўрсатма берасан деб, айтди. Мен туҳмат қила олмаслигимни айтганимдан сўнг, 14 ноябрь куни ИИБга олиб бориб, қамоққа олди. Мени қамоққа олаётганида бозорнинг паттачиларини олиб бориб ким ҳокимга қарши кўрсатма бермаса шу ҳолга тушишини айтди. «Сизларни ҳам Юсуфнинг ёнига тиқаман» деди. Шу куни Боғишамол туман ҳибсхонасига олиб бориб, фақат ҳокимга қарши кўрсатма беришимни, акс ҳолда турмада чиришимни айтди. Мен туҳмат қилмаслигимни айтиб туриб олдим. Судда шу ҳол яна такрорланди. Иштихон туман суди судьяси С.Абдуллаев «туман ҳокимига пора берганман, деб айтасан, шунда сени озод қиламан, бўлмаса 15 йилга қамаб юборамман», деб айтди. Мен ҳақиқатни айтаман, дедим...

Ҳикматулло ХОЛОВ, савдо ходими:

— 9-10 ноябрида туман ҳокими муовини Г.Шаропованинг ўғли Жамшид билан ўзини вилоят ИИБ терговчиси, деб таништирган Мирза Мустафоев келиб туман ҳокими М.Ёрқуловга турли қурилиш материалларини «Пайшанба бозори» акциядорлик жамияти раиси Юсуф Орзиев орқали бериб юбордим, деб ёзиб беришимни талаб қилди. Ёзмасанг «подвал»га солиб қийнайман, деб пўписа ҳам қилди. Мен туҳмат қила олмаслигимни айтдим.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ...

Дала кезаяпмиз. Мени ҳайратга солгани ҳалигина хонасида миқтигина ўтирган ва босиқлик билан сўзлаб турган суҳбатдошим гап пахта ҳақида кетганда бирдан завқ-шавққа тўлиб кетди.

— Пахтамиз бу йил ҳам яхши, — суюнди ҳоким. — Тўғри, бу йил баҳорги об-ҳаво сабаб бироз кечикироқ, лекин чўғи баланд.

Бизни юзи офтобда қорайиб, дала заҳмати шундоққина уфуриб турган киши қарши олди.

— Ғулом Ёқубов номли ширкат хўжалигимизнинг 15-оилавий пудрат бошлиғи Алишер Азимов, — таништирди уни ҳоким.

Пахтазор оралар эканмиз, ҳоким Алишер акани саволга тутди:

— Ғўзалар қалай?

— Яхши.

— Нечтадан кўсак тугди?

— Ўртача — тўрттадан, — деди Алишер ака жўнгина қилиб.

Ҳоким бир ўзгарди, кейин менга секин кўз қирини ташлаб қўйди.

— Адашмаяпсизми? — деди у пудратчига ва энгашиб ғўза кўсакларини санай бошлади. — Энг ками 7 та, кўпи 14 та... (Бу 12 августда бўлган гап).

Шу пайт хўжалик раиси, ёш раҳбар Абдуғаффор Матёқубов етиб келди.

Алишер ака билан бўлиб ўтган гапни раисга айтаркан, ҳоким қўшиб қўйди:

— Бу пудратчингизнинг ҳисоб-китоби чатоқ-ку. Ўртача етти тадан кўсак дейди. Бу бўлиши мумкин эмас, ахир. Санасак, ўртача 10-12 тадан кўсак тўғри келяпти... Эрта-индин теримга тушмоқчи бўлиб турибсиз...

— Деҳқонларнинг ирими бор, биласиз-ку. Кўз тегмасин деб...

Ҳоким қулиб юборди ва «ҳая, унутибман» деб қўйди-да, яна савол-жавобга тушди.

— Режани қачон бажарасиз?

— Худо хоҳласа, Мустақиллик байрамига.

Кеза-кеза Бобур номли ширкат хўжалигига кириб келдик. Хўжалик раиси Абдуманноб Парпиев билан бирпас суҳбатлашдик. Унинг айтишича, 667 гектар ерга буғдой, 1047 гектар ерга эса пахта экишибди. Буғдой ҳосилдорлиги 80 центнердан ошибди (туман бўйича кўрсаткич ҳам шунчани ташкил этади), хўжаликка аъзо бўлган ҳар бир оилага ўртача 1 тоннадан буғдой кирибди. Пахта ҳам яхши, қўшқатор экилган ғўзалар баравж. Раиснинг гапига қараганда, ҳосил 60 центнердан кам бўлмайди.

— Маданий-маърифий ишлар қалай? — сўрайман раисдан.

— Ўрта мактабимизга қўшимча 120 ўринли бино қурилишини куни кеча тугалладик. Ўқув йилига шай. Газ қувури тортаяпмиз. Янги ҳаммом битиш арафасида. Манави теракзор ҳам... (Бир неча гектар ерни эгаллаган теракзор ажаб сўлим жой бўлибди. Ўз номи билан «Теракзор». Бу ерда 700 ўринли очиқ томоша саҳнаси, спорт майдончаси мавжуд.) — Буларнинг барига 30 миллион сўм пул сарфлаяпмиз...

Менинг қулоғим раисда-ю, нигоҳим ҳоким — Тиловолди Ёқубовда. Юзларида мамнунлик, кўзларида ишонч.Меҳнатда юксак кўрсаткичлари учун беш бора Президент табригини олган бу камтаргина, аммо ўта омадли инсонга қалбимда ажиб бир ҳавас уйғонди. Эсимда, сўнгги табрикни у ўтган йили — ўзи етакчи бўлган Асака тумани пахтакорлари шартномавий режани 31 август куни бажарганда олганди.

— Аслида Андижоннинг, хусусан, Асаканинг деҳқончиликда бунчалик ютуқларга эришишига сабаб нима?

— Вилоятимизда, — дея сўз бошлади у, — тартиб-интизомга асосланган бутун бир тизим, тажриба мактаби яратилган. Бу тизим, бу тажриба тобора такомиллашиб бормоқда. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги бизни анча-мунча ташкилий ишлардан ҳам озод қилди: ёнилғи, ўғит, кимёвий дори каби нарсаларнинг топилишида ташвишимиз йўқ. Фақат ҳосил учун курашамиз! Қолаверса, чигитни плёнка остига февралнинг охири, март ойининг бошидаёқ экиб бўламиз. Бу тажрибанинг беқиёс натижаларини ҳозир ҳамма кўриб турибди.

— Тиловолди ака, сизни илгарилари тақир қир устида боғ яратган раис деб таърифлашарди, қаерда ўша боғ?

... Машинада тобора юқорилаб бораяпмиз, гўё тайёрада ўтиргандекмиз. Текис асфальтланган йўлнинг икки ёни кетакетгунча ғуж-ғуж мевазор. Икки ёни — пастлик ва дўнгликлардаги боғ-роғлардан юрагингиз ҳаприқади. Уларнинг адоғидан яна сап-сариқ адирлар бошланади. Манзарани кузатиб, инсон заковатига, меҳнати ва иродасига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Агар буларнинг барини ўз кўзингиз билан кўрмасангиз, адирда бундай боғлар яратиб бўлишига асло ишонмайсиз.

500 гектардан ортиқ майдондаги бу узумзор ва мевазорлар бағрида «Соҳибкор» номли мева-узумчилик ишлаб чиқариш ширкатлар уюшмаси ташкил этилди. Мустақиллик йиллари уюшма сабзавотчилик, чорвачилик ва бошоқли дон экинлари етиштиришга эътибор берди. Жамоанинг турмуш фаровонлиги ошди. Маданий-маиший шароитлар яхшиланди. Хўжаликда мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пункти, сартарошхона, дўкон... ҳаммаси эл хизматида. Шинам шийпонлар ижарачиларнинг жони дили. Бутун ёз мавсумини улар ўша ерда ўтказадилар.

Ҳозир «Соҳибкор»га Тиловолди аканинг яхши кўрган шогирдларидан бири — Иброҳимжон Мамадалиев етакчилик қилмоқда. Энг муҳими, у устози ишини муносиб давом эттирмоқда.

...Тиловолди ака баъзан ҳориган кезлари ўзи яратган ўша боғларда, сўриларда бир фурсат дам олиб кетишни хуш кўради. Аслида мақсад — фақат дам олиш эмас, бу ердаги қадрдонларини ҳам кўриш, улар билан гурунг қилиш ва янги-янги режаларни бамаслаҳат амалга оширишдир.

Мухтасар қилиб айтганда, унинг бу ердаги меҳрибонлари — шогирдлари ҳам рамзий маънода бир боғки, устоз улар ҳузурида тез-тез бўлиб, йўл-йўриқлар бериб туришни лозим деб биладди.

■ **Наби ЖАЛОЛИДДИН**

7 МИНГ ИШЧИ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

«American Airlines» авиакомпанияси 2003 йил март ойигача 7 минг ходимини қисқартириш режасини эълон қилди. Шу йил мартда авиакомпания ишчи-хизматчиларининг сони 101706 кишини ташкил этган эди.

Бундан ташқари шу йилнинг ўзидаёқ авиакомпания 35 йўналишда авиаташувларни ҳам қисқартирмоқчи. Шунингдек, 2005 йилнинг учинчи чорагигача энг қиммат турувчи 74 та «Fokker 100» самолётларидан фойдаланишни тўхтатмоқчи.



СИБИР ЯРАСИНИНГ СПОРАСИ ТОПИЛДИ

АҚШ почта хизмати ходимлари Нью-Жерси штатининг Принстон шаҳрида ўта хавфли Сибир яраси споралари (гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи бир ҳужайрали жониворларнинг урчиш органи) билан зararланган почта қутисини топдилар. Бу ҳақда АҚШ почта хизматининг расмий вакили Дэн Михалко хабар тарқатди.

Дэн Михалконинг сўзларига қараганда, ўтган йилги воқеалар такрорланмаслиги учун текширув ўтказилаётган пайтда мазкур воқеликка дуч келинди. Хабарингиз борки, ўтган йили Трентон марказида почта жўнатмалари сараланаётган пайтда Сибир яраси бактерияси билан зararланган бир нечта хат топилган эди. Яна шуни эслатиб ўтамизки, ўтган йили почта жўнатмаларини (зararланган) олган 5 нафар АҚШ фуқароси оламдан кўз юмган эди, 13 нафари эса қаттиқ касалланган. Ушанда Сибир яраси споралари солиб жўнатилган хатлар Вашингтондаги, Нью-Йорк ва Флоридадаги почта қутиларидан топилган эди.

Яқинда аниқланган «заҳарли» почта қутиси эса чуқур текшириб, таҳлил қилиш учун ҳарбий лабораторияга жўнатилди.

ТЎҚҚИЗ ЙИЛ ОЛДИН УЧРАШИШГАН ЭДИ

Шимолий Корея ва Жанубий Корея футбол терма жамоаларининг ўртоқлик учрашуви шу йил 7 сентябрь куни Сеул шаҳрида ўтказилишига келишиб олинган эди. Аммо Пхеньян раҳбариятининг илтимосига кўра, учрашув бир кун олдинга сурилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, икки қўшни давлат футболчилари охирги марта 1993 йили мусобақалашган эди. Ушанда ҳисоб жанубий кореяликлар фойдасига (3:0) ҳал бўлган.

Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбарияти мамлакат терма жамоаларининг Пусанда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида иштирок этишини қўллаб-қувватлади. Демак, неча йиллардан бери икки давлат ўртасидаги совуқ муносабатни спорт ўйинлари бироз илитса ажаб эмас.

БАРМОҚ ИЗЛАРИНИ ТОПШИРИШАДИ

Эндиликда хориждан кимки АҚШга ташриф буюрса чегарада, албатта, суратга тушиши ва бармоқ изларини топшириши шарт. Америка Адлия вазирлигининг яқинда чиқарган қарори худди шу мажбуриятни чегарадаги хизматчиларга юклади. Янги дастурни амалга жорий этиш билан асосан муҳожирлик ва фуқароликка қабул қилиш хизмати шуғулланади.

Ҳозирча дактилоскоп назорати бир неча чегара пунктларида 20 кун мобайнида синовдан ўтказилади. Сўнг мамлакат бўйлаб жорий этилади.

ЯПОНИЯ МАНЗАРАЛАРИ

СИЕМ ЭГИЗАКЛАРИ БИР-БИРИДАН АЖРАТИЛДИ

Гватемала шифохонасида 22 соат давом этган операциядан сўнг сиём эгизаклари кўзларини очиб, ҳаракатлана бошлашди. Бироқ уларнинг соғлиғи ҳозир ўта оғир аҳволда.

«Биз бу қизларнинг ҳаётини сақлаб қолишга бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз» деди Лос-Анжелесдаги клиниканинг шифокори, операция иштирокчиси Энди Медикианс.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ФРАНСУА ЛАРОШФУКО – ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ. 1613–1680 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Дунёни тақдир ва инжиқлик бошқаради.

♦ Фалсафа ўтмиш ва келажак ғам-ғуссалари устидан ғолиб келади, бироқ, шу куннинг ғам-ғуссалари фалсафа устидан ғолиб келадилар.

♦ На Қуёшга, на ўлимга тик боқиб бўлмайди.

♦ Ақл айрим пайтларда бизга беақлликларни дадил қилиш учун хизмат қилади.

♦ Чинакам сўзамоллик, бу – барча керак нарсаларни айта била олиш, бироқ, керагидан кўпини эмас.

♦ Деярли барча одамлар майда-чуйда хизматларнинг ҳақини тўлайдилар, кўплар анча-мунча аҳамиятлилари учун миннатдор бўладилар, аммо, биронта ҳам киши катта илтифот учун ташаккур билдиришни хаёлига ҳам келтирмайди.

♦ Ким майда-чуйдада сергайрат бўлса, у, одатда, улкан нарсаларга ноқобил бўлиб қолади.

♦ Файласуфларнинг бойликка нафрати адолатсиз, уларни ҳаётий неъматлар билан муносиб тақдирламаган, қисматдан ўч олишдай эзгу хоҳиш-истақдан келиб чиққан; у камбағалликнинг таҳқирлашларидан қутқарувчи яширин восита ва ҳурмат-эҳтиромга, одатда, бойлик орқали элтувчи, айланма йўл бўлган.

♦ Барча ўз хотирасидан шикоят қилади, аммо, ҳеч ким ўз ақлидан шикоят қилмайди.

♦ Одамлар, кўпинча, бежазо ёмонлик қилиш имкониятига эга бўлиш учун яхшилик қиладилар.

♦ Ҳақиқатнинг самарбахшлиги унинг сиртдан кўринишининг ғирт зararлилигичалик эмас.

♦ Кўпчилик одамлардаги адолатга муҳаббат, бу – ноҳақликка дучор бўлишдан қўрқув, холос.

♦ ...Қаҳрамонлар оддий одамлардан кўпроқ шуҳратпарастлик билангина фарқ қиладилар.

♦ Агар одамлар бир-бирларини лақиллатмаганларида эди, улар жамиятда яшай олмас эдилар.

♦ Бошқаларсиз эплай олишим мумкин, деб ўйлаган киши қаттиқ адашади; бироқ, бошқалар менсиз эплай олмайдилар, деб ўйлаган киши янада қаттиқроқ адашади.

♦ Чинакам севги — арвоҳга ўхшайди: барча унинг ҳақида гапиради, аммо, уни кўрганлар кам.

♦ Мақтовдан ўзини олиб қочиш, бу уни қайтаришни илтимос қилиш.

♦ Одамларнинг бизни бошқаришларига халақит беришга қараганда, уларни бошқаришимиз осонроқ.

♦ Баъзи одамлар қўшиқчаларга ўхшайдилар: улар тезда урфдан чиқадилар.

♦ Ҳамиша барчадан ақллироқ бўлиш истагидан бемаънироқ ҳеч нима йўқ.

♦ Шоҳларни уларда йўқ фазилатлар учун мақташ — уларни бежазо ҳақорат қилиш демак.

♦ Кишининг ақли ва қалби, худди унинг нутқидай, у туғилган мамлакатнинг аломатларини сақлайди.

♦ Биз ўзимизни қанчалик шармандаю-шармисор қилмайлик, бизда, деярли ҳамиша, ўзимизнинг яхши номимизни тиклаш имконияти бор.

♦ Битта одамни хусусан билишдан кўра, одамларни умуман билиш осонроқ.

♦ Ғанимларимизнинг биз ҳақимиздаги фикрлари, ўзимизникига қараганда, ҳақиқатга яқинроқ.

♦ Раҳмни келтириш ёки қойил қолдириш хоҳиш-истаги – мана шулар, кўпинча, очиқ кўнгиллилигимизнинг асосини ташкил қиладилар.

♦ Агар ҳамма айб битта томонда бўлганида эди, одамларнинг жанжаллари бундай узоқ чўзилмаган бўлардилар.

♦ Одам ҳеч қачон, унга туюлганидай, бебахт ёки, ўзи хоҳлаганидай, бахтли бўла олмайди.

♦ Агар ўз сиримизни ўзимиз сақлай олмасак, уни кимнингдир сақлашини қандай талаб қилишимиз мумкин?

♦ Ҳатто, энг ақлли одамлар ҳам аҳамиятсиз нарсалардагина ақллилар; салмоқли ишларда, одатда, ақл уларга хиёнат қилади.

♦ Қироллар одамларни, тангани каби, зарб қиладилар: улар одамларга хаёлларига келган нархни белгилайдилар, ва ҳамма бу одамларни уларнинг чинакам қиймати эмас, балки, белгиланган нархи бўйича қабул қилишга мажбур.

♦ Модомики, кимдир бизга яхшилик қилар экан, биз унинг томонидан етказиладиган ёмонликка тоқат қилишга мажбурмиз.

♦ Доно, камга қаноат қилиб, бахтлидир, нодонга ҳаммаси кам; мана, нима учун барча одамлар бебахтлар.

♦ Майдакаш одамлар арзимаган нарсаларга хафа бўладилар; бағрикенг одамлар ҳамма нарсани пайқайдилар ва ҳеч нимага хафа бўлмайдилар.

♦ Ташқаридан берилган яхши маслаҳатдан фойдалана билиш учун, баъзан, ўзига ўзи яхши маслаҳат бера олишдан кам бўлмаган ақл талаб қилинади.

♦ Ақлимиз, танамизга қараганда, танбалроқдир.

♦ Қайсарлик ақлимизнинг чекланганлигидан туғилади: биз савиямиз даражасидан ташқарига чиқадиган нарсаларга ишонавермаймиз.

♦ Қалтабин одамлар уларнинг тушунчаларидан ташқаридаги барча нарсаларни қоралайдилар.

♦ Макр — қалтабин ақл белгиси.

♦ Айни сукут сақлаш уятли бўлганида, гапириш ҳамма нарсадан қийин.

♦ Агар шуҳратпарастлик уларни мажбур қилмаса, одамлар бажонидил сукут сақлайдилар.

♦ Хушомад – бизнинг шуҳратпарастлигимиз туфайлигина муомалада юрган сохта пул.

♦ Одамларга, баъзан, туюладики, гўё улар хушомадни ёқтирмайдилар, аслида эса уларга унинг у ёки бу шаклигина ёқимсиздир.

♦ Китобларни эмас, балки, одамларни ўрганиш фойдалироқ.

♦ Бағрикенглик ҳамма нарсага эга бўлиш учун ҳеч нимани писанд қилмайди.

♦ Олий жасорат одамлар кўплаб гувоҳлар иштирокидагина журъат қила оладиган ишни ёлғизликда амалга оширишдадир.

♦ Яқинимиздагининг бебахтлигига чидашга бизда ҳамиша куч етади.

♦ Одамлар, ўзларини, гўё, уларга ҳар қандай нозу карашма бегонадай қилиб кўрсатганларида, мақтанадилар.

♦ Биз ҳеч нимани, маслаҳатлар каби, сахийлик билан улашмаймиз.

♦ Макр билан суиистеъмолчилик қилиш ақлнинг чекланганлигидан далолат беради; бир жойдаги яланғоч ерини беркитишга ўринган киши, муқаррар равишда, ўзини бошқа жойи билан фош қилади.

♦ Алданишнинг энг ишончли усули – ўзини бошқалардан маккорроқ, деб билиш.

♦ Кўрсатилган хизмат учун орани очиқ қилишдаги ҳаддан ташқари шошқалоқлик – яхшиликни билмасликдай нарса.

♦ Кўз-кўз қилинадиган оддийлик – учига чиққан мунофиқлик.

♦ Биз ҳамиша бизга мафтун бўлганларни севамиз, аммо, ўзимиз мафтун бўлганларни ҳамиша ҳам севавермаймиз.

♦ Яхшиликни билмайдиганга хизмат қилиш — ҳеч гап эмас, бироқ, пасткашнинг хизматидан фойдаланиш — катта бахтсизлик.

♦ Нафратга лойиқ кишигина ундан қўрқади.

♦ Ҳамма нарсаларда биз билан рози кишиларнигина ақли расолар деймиз.

♦ Кимлар билан зерикиш мумкин бўлмаса, ана шулар билан деярли ҳамиша бизга зерикарли.

♦ Суҳбатларга ақл эмас, балки, ўзаро ишонч ҳаммадан кўпроқ жон киргизади.

♦ Ҳамма бошқаларни пайқаб олишни яхши кўради, аммо, ҳеч ким пайқаб олишни ёқтирмайди.

♦ Биз дўстларимизнинг, бизга тегиб кетмайдиган, нуқсонларини бажонидил кечирамиз.

♦ Чинакам севги қанчалик кам учрамасин, чинакам дўстлик ундан ҳам камроқ учрайди.

♦ Ўта ашаддий нафрат бизни биз ёмон кўрганлардан пастга қўяди.

♦ Феъл-атворнинг бўшлиги, бу — тузатиб бўлмайдиган, танҳо нуқсон.

♦ Қаттиқ феъл-атворли кишиларгина чинакам юмшоқ бўла оладилар; қолганларда эса юмшоқликдай туюладиган феъл-атвор бўлиб, бу — кўпинча, осон ғазабга айланувчи, заифлик.

♦ Ёшларга туюладики, улар, гўё, табиийдирлар, аслида эса улар тарбиясиз ва даҳалдирлар.

♦ Табиийликка ҳеч нима, табиий бўлиб кўринишни исташдек, халақит бермайди.

♦ Одоб — жамиятнинг барча қонунларидан энг оддийси ва энг қадрлиси.

♦ Гаразгўйлик бировларни кўр қилиб кўяди, бошқаларнинг эса кўзини очади.

♦ Тақдир бизнинг ақлимиз тўғрилай олмайдиган нуқсонларимизни тўғрилайди.

♦ Айрим одамларга уларнинг нуқсонлари ярашади, бошқаларга эса, ҳатто, фазилатлар ярашмайди.

♦ Сервиқорлилик — тананинг, ақл нуқсонларини яшириш учун ихтиро қилган, эришиб бўлмас найранги.

♦ Кўплар ҳаётий неъматлардан нафратланадилар, бироқ, деярли ҳеч ким уларни баҳам кўришга қодир эмас.

♦ Ҳасадгўй бўлмаган одамлар, беғаразларга қараганда ҳам, камроқ учрайдилар.

♦ Ҳеч ким бошқаларни дангасалардай шошилтирмайдилар: ўз танбалликларини қаноатлантириб, улар ғайратли бўлиб кўринмоқчи бўладилар.

♦ Баъзи танбеҳлар мақтовдай янграйдилар, бироқ, баъзи мақтовлар фисқ-фужурдан ёмондирлар.

♦ Улкан одамларнинг шон-шуҳрати ҳамиша уни қўлга киритиш усуллари билан ўлчанмоғи лозим.

♦ Бизни қандай мақтовларга кўмиб юбормасинлар, уларда ўзимиз учун ҳеч қандай янгилик топмаймиз.

♦ Бизни мақташлари учунгина ўзимизни сўкамиз.

♦ Энг довюрак ва энг ақлли одамлар, булар — ҳар қандай яхши баҳоналар билан, ўлим ҳақида ўйламасликка интилувчилардир.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

БОҒЛИҚ...

ЁКИ УЧ МАРТА ТЕРГОВГА ҚАЙТГАН, САККИЗ МАРТА СУДДА КЎРИЛГАН ВА ҲАМОН ОҚ БЎЛИБ ОҚҚА, ҚОРА БЎЛИБ ҚОРАГА АЖРИМ ҚИЛИНМАЁТГАН БИР ИШ ХУСУСИДА

Вилоят прокуратураси терговчи Салим Шомуродов ҳокимга қарши кўрсатма сўраб, қўрқитди. Сендан келганини худодан кўрдим, дедим...

Қурилишларда қатнашган Самарқанд архитектура институти олимларининг ичган сувию еган нонигача сўралди. Хуллас, қаерда қурилиш бўлган бўлса, ўша ерга тергов-тафтиш кирди. Мақсад — нимадир топиш; илинтириш эди.

Бир томондан ҳокимнинг иштирокисиз тергов-тафтиш бошланган бўлса, иккинчи томондан тергов бемалол ҳаракат қилишига «муҳит» яратиб турилди: касалхонада даволанаётган М.Ёрқулов устидан жиноят иши қўзғатилиб, у қочиб юрибди, деган ёлғон хабарлар тарқатилди. Пойтахтда даволанаётган, ҳар куни қариндошлари хабар олиб турган бўлса, қилни қирқ ёрувчи терговчилар наҳотки бундан бехабар қолишган?..

Бу етмаганидек, жамоатчиликда ёмон таассурот уйғотиш учун унинг пойтахтда қўша-қўша данғиллама уйлари, «лимузин» машинаси бор, деган гаплар тарқатилди. Ёрқулов эса, «Қани, ўша уйлар, машиналар, менга ҳам кўрсатишсин», дейди.

Орқаворотдан олиб борилган тергов ҳаракатлари тугаб, иш судга оширилди. Бу орада ҳоким лавозимидан бўшатилди, депутатликдан чақириб олинди. Судда М.Ёрқуловга қўйилган айбларга тўхталсак. Унда М.Ёрқулов еб қўйибди, ичиб қўйибди, давлат пулини ўзлаштирибди, деган гаплар йўқ. Айбловлар қуйидагича:

1. «М.Ёрқулов лойиҳа-проект сметаси тузмасдан, 1998 йил ёз ойларида Каттақўрғон туман ҳокимияти биносида мехмонхона, ошхона ва учинчи қаватда мажлислар хонаси қуришни бошлаб юборган.

Ушбу қурилиш учун туман МПМК-180 ташкилотидан 353580 сўмлик 40 минг дона пишик ғишт олиб, 100 000 сўм маблағ кўчириб берган. Қолган 253580 сўм эса тўланмаган...»

М.Ёрқулов буни қуйидаги важлари билан инкор қилади.

23 йилдан бери бирон марта капитал таъмирдан чиқарилмаган, сал ёмғир томчиласа томидан чакка ўтадиган, ночор ҳолатдаги бинога келган фуқаро ўзини ҳокимлик вакиллари ҳузурига келгандай ҳис этармикин? Бунинг устига, тутдай тўкилиб бораётган бино ўз ҳолига ташлаб қўйилса эртага нима бўлади?

Шу сабабли, 1998 йилнинг май ойида туман меъморчилик бюроси томонидан амалдаги тартиб асосида лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. 1998 йил 27 июлда вилоят ҳокимлиги меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармасида қайддан ўтказилган. Ваҳоланки, лойиҳа суд залида кўрсатилишига қарамасдан, инобатга олинмади.

Иккинчидан, бу ҳам муҳим ҳолат, мазкур қурилиш-таъмирлаш ишлари асосан ҳашар йўли билан амалга оширилган. Жиноят ишига асос қилиб олинган ғиштлар учун «тўланмаган сумма» ўзаро шартномага кўра, 1998 йилнинг 30 декабригача тўланиши керак эди! Бироқ ҳали шартнома муддати тугамай туриб, ҳоким вазифасидан озод этилади. Бунинг устига, Ёрқулов ҳали ишдалик пайтида қурилиш тугалланмаган, демак, тегишли далолатномалар тузилмаган эди. Бундай далолатномаларсиз эса якуний ҳисоб-китоб қилиб бўлмаслигини ҳатто мутахассис бўлмаган киши ҳам билади.

Бундан ташқари, суд жараёнида ҳам ғишт пулини олиши керак бўлган МПМК-180 корхонаси вакили ҳокимликка нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди.

2. «М.Ёрқулов ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланган ҳолда туман ҳокимлиги ва туман машина-трактор парки ўртасида тузилган шартномага асосан МТПга тегишли «Нексия»дан хизмат машинаси сифатида фойдаланиб, ижара ҳақини тўламаган».

Гапни майдалаштириб ўтирмайлик. Бу айбнома ҳам мутлақо асоссизлигига керагича ҳужжат, далил бор.

3. «Туман маркази «Пайшанба» қўрғонида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари учун вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган 2 миллион мақсадли пулнинг 700 минг сўмини мармар цехи учун 1998 йилнинг 29 августида «Асалчи» жамоа хўжалигига ўтказиб юборилган».

Мутахассислар қурилаётган-таъмирланаётган биноларнинг олд қисмини мармар плиталар билан қоплашни таклиф этишди. Уни қўшни вилоятдан олиб келиш анча сарф-харажатга тушарди. Худди шу пайт жамоа хўжаликларидан бири мармарни қайта ишлаш цехини ташкил қилиш учун қисқа муддатли маблағ сўраб мурожаат қиладди. 1998 йил 29 августда тузилган шартномага асосан (яна шартнома) туман ҳокимлиги хўжаликка 700 000 сўм пул ўтказиб берди. Хўжалик маблағни мармар плиталар ёки пул орқали қайтариши керак эди. Бўлган гап шу.

Судда айтилишича, маблағ туман бюджетидан мақсадсиз ўтказилибди. Биринчидан, бу маблағнинг бюджетга алоқаси йўқ эди. Чунки, вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, вилоят мулк қўмитасига хусусийлаштиришдан тушган маблағдан Каттақўрғон туманига ободончиликка ажратилган пул эди. Бу амалдаги қайси қонун ёки меъёрий ҳужжатга зид?!

4. «Ҳашарга жалб қилинган «Қурувчи» жамоа корхонаси 467070 сўмлик қурилиш ишларини бажарган бўлса-да, ҳалигача ҳокимлик бу пулни тўлагани йўқ».

Шартномага кўра, иш бажарилгандан сўнг ҳисоб-китоб декабрь ойида бўлиши керак эди. Бу вақтда М.Ёрқуловга «жиноят иши» қўзғатилган ва у лавозимидан озод этилган эди. Йўқ жойдан суд залида жиноят ясалди.

Ҳоким билан бир пайтда унинг ваксси Рустам Ёрқулов устидан ҳам жиноий иш қўзғатилган эди. Оддий, ижарачи бу йигит тергов ва суд жараёнида жиноятчига айлантирилди ва етти йилга озодликдан маҳрум қилинди! Айблов ва ҳукмда уни «Асалчи» хўжалиги раисининг ўринбосари, деб қайд этилган. Жиноят ишига имзосиз ва муҳрсиз бўйруқ тикиб қўйилди. У қаердан пайдо бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Хўжалик низомида 15-20 кишилик бу митти жамоада раис ўринбосари лавозими кўрсатилмаганлигини билиб олиш, албатта, қийин иш эмасди. Лекин, буни хоҳлашмаган чоғи...

Рустам 1 йилу 3 ой қамоқда ётди. Ўзига нисбатан туҳмат бўлаётгани, тазйиқ ўтказилаётгани, терговчи Салим Шомуродовнинг пўписалари ва судья У.Қувоновнинг шахсан ўзи шифохонада ётган жойидан судраб олиб кетганигача ёзди. Ниҳоят, Олий суднинг тегишли кўрсатмалари билан 2000 йилнинг 27 октябрь ойида вилоят суди раёсати ишни қўшимча терговга қайтарди. Рустам қамоқдан очиққа чиқарилди.

Биринчи инстанция судьяси У. Қувонов, судлов ҳайъати судьялари А.Усмонов, Н.Тўхлиев, Т.Тошев ва вилоят судининг раиси С.Турсуновлар нимага асосланиб Рустам Ёрқуловга етти йил қамоқ жазосини лойиқ кўришганди?

Рустамга нисбатан қанчалик адолатсизлик қилингани кейинроқ фош бўлди. Унинг бўйнига 742 килограмм ўғит камомади (5335 сўмлик) қўйилган эди. Қайта-қайта қилинган судларнинг бирида аудитор Б.Ўсаров ўғит камомадини терговчи С.Шомуродов топшириғи асосида тарозига тортмасдан кўз билан чамалаб аниқлаганини айтди. Қизиқ, уч йил давомида бирорта судья Б.Ўсаровга ўғит камомади қандай аниқланганди, деб савол бермаган экан!

Унга яна бир айб қўйилган эди. Рустам «Асалчи» жамоа хўжалигидан ижарага олган ердан 13 тонна пахта етиштирганди ва ҳосилни шартнома асосида заводга топширганди. Терговда унга «Асалчи» хўжалигига кўп миқдорда иқтисодий зиён етказган деб айб қўйилди. Гўё пахта экиш ва унга ишлов беришда «Асалчи» техникасидан фойдаланган. «Асалчи»да пахтага ишлов берувчи техника умуман йўқлигини терговчи негадир тан олмади.

Агар айбнома асосли бўлганида суд тўрт йилдан буён бир хулосага келган бўларди. Ваҳоланки, шу давр ичида иш уч марта қўшимча терговга қайтди, саккиз марта судда кўрилди. Ўтган йилнинг декабрь ойида бўлган охирги суд ишни яна қўшимча терговга қайтарди. Мана, саккиз ойдирки, сукунат. Қачон, нима бўлади, номаълум. Каттақўрғонликлар айтганидек, акасини «синдириш» учун укасига атайлаб айбнома тўқишмаганмикин, деб ўйлаб қоласан киши.

Яна бир масала кишида шубҳа уйғотади. Ёрқуловларга нисбатан жиноий иш қўзғатган вилоят прокурорининг собиқ ўринбосари Ш.Шамсиев билан вилоят судининг собиқ раиси С.Турсунов қуда-анда. Шу боис Ёрқуловлар иш бошқа вилоятда кўрилишини талаб қилиб кўп хат ёзишди. Шу орада қарангки, ака-ука Шамсиевлар пора олганликда айбланди. Укаси қамалди, акаси қочиб кетди.

Хуллас, М.Ёрқуловнинг «жиноят иши» 1999 йилнинг ёз ойида Иштихон туман судида (судья М.Шерйигитов) кўрилди. М.Ёрқуловга беш йил жазо белгиланди. Амнистия қўлланилиб, жазони ўташдан озод қилинди. У ҳукм устидан шикоят ёзиб ўтирмади. Айтишича, барибир бефойда эди. Чунки, унга қарши бўлган кучларга бас келолмаслигини биларди.

Каттақўрғонда ҳали-ҳануз М.Ёрқулов нега судлангани ҳақида миш-миш юради. Сайилгоҳни у ўзи учун қургани йўқ. Ҳокимлик биноси унинг шахсий уйимидики, чиройли бўлгандан кейин унда бир умр яшаб қолса?! Қишлоқлардаги ҳашар йўли билан тикланган 300 га яқин қурилишлардан бирортаси унинг шахсий иморати эмасди? Суҳбатдошларимизнинг айтишича, бошланган кўп ишлар, режалар чала қолди.

Сўнгги мулоҳазалар: бир раҳбарни тарбиялаб, вояга етказиш осонми? Айниқса, тадбиркор, ишбилармон, ташаббускор раҳбарни. Тергов ва суд Юртбошимиз таъкидлаганидек, энг аввало, инсон манфаати, ҳуқуқининг ҳимоячиси бўлиши керак эмасми?! Хатони тузатиш шунчалик қийинми?! Кимнингдир шахсий адовати, илтимоси учун инсон тақдири билан ўйнашиб бўладими? Ака-ука Ёрқуловлар тўрт йилдан буён гуруҳбозлик, қариндошуруғчилик азобини тортишмаяптими? Катта Ёрқулов бирор амалга даъвогар эмас, у фақат одамлар ҳақиқатни билишсин, дейди. Кичиги эса «мени нега қамашган эди?» деган саволга жавоб талаб қилаяпти.

Бир гап ёдга тушади: қандай қарорга келиш мақсадга боғлиқ. Ёрқуловлар ишини кўрганларнинг мақсади адолат эмас, бошқачароққа ўхшайди. Воқеалар ривожи шундай хулосага олиб келаяпти.

■ **Абдураҳмон ТАШАНОВ, Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

ИСТИҚЛОЛ

Қуёш ёниб чиқди ўзимдан,
Юлдузлар сачради бўғзимдан,
Ҳайқириқ туғилди кўзимдан,
Дунё қалқиб кетди сўзимдан,
Истиқлол, Истиқлол, Истиқлол.

Дорларда гуллади бу бошим,
Асрни қаритди кўзёшим,
Сочилиб ётибди бардошим,
Бедорим, беморим, тенгдошим,
Озодлик, Озодлик, Озодлик.

Эгилган бош эмас қадрдир,
Кексайиб дол бўлган сабрдир,
Кўксим буюкларга қабрдир,
Етганим, кутганим кабирдир,
Истиқлол, Истиқлол, Истиқлол.

Ой балқиб, ойдиндир кечалар,
Уйқусиз туйғулар куй чалар,
Бу буюк каломдир шунчалар,
Унга етолмаган қанчалар,
Озодлик, Озодлик, Озодлик.

Йўлимда чечаклар гул очар,
Дарё соҳилидан сир сочар,
Буюк довонлардан юрт ошар,
Қувонч кўксимизда, ғам қочар,
Истиқлол, Истиқлол, Истиқлол.

Ҳуррият, тонгларинг муборак,
Юксалиб-юксалиб теп юрак,
Мозийдан келмоқда бир тилак,
Ватанга, миллатга шу керак,
Озодлик, Озодлик, Озодлик.

Мен Ватан бағрида бир чақиндирман,
Денгизнинг чайқалган тўлқинидирман,
Юртим эрк тўйингда бир оқиндирман,
Ҳурликдан сачраган бир ёлқиндирман,
Истиқлол, Истиқлол, Истиқлол.

■ Фарруҳ ҲАМРОЕВ

ДАРЁ БЎЙИДАГИ КЎРКАМ ШАҲАР

Қорақалпоқ аҳли пойтахт шаҳар — Нукуснинг 70 йиллик санасини кенг нишонлашга ҳозирланмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Бекберген ЕРЕКЕЕВга мурожаат қилдик.

— Тўғрисини айтганда, Қорақалпоғистонда, хусусан Нукусда мустақиллик йиллари катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий саноат корхоналари, турар-жойлар, маданий-маиший бинолар қад ростлади, — дейди қўмита раиси. — Кенг ва равон кўчалар, дам олиш масканлари ва турли ёдгорликлар Нукус кўркига кўрк қўшиб турибди. Нукусда 255 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Майдони 200 квадрат километр. Географик жиҳатдан жойлашиши Ўзбекистон Республикасининг шимоли-ғарбида, Тошкентдан 1000 километр олисдалиги билан ажралиб туради. Нукусга Амударё эпкини келиб туради. Шаҳарнинг шарқ томонида Қизилқум, ғарбида эса Қоракум. Шунинг учун ҳам иқлими — ёзнинг иссиқ, қишнинг кучли совуқ бўлиши билан фарқланади.

— Нукус шаҳрининг тарихи, унинг пойтахтга айланиши ҳақида ҳам сўзласангиз?

— Археологик маълумотларга қараганда, аҳолининг жойлашиши бугунги Нукуснинг шимоли-ғарбида, яъни «Шўрча» деб аталган шаҳарчада бўлган экан. Ҳужжатлардан аён бўлишича, у ерда кучли ҳимоя деворлари ҳам қурилган. Кўринишдан ўрови 50-60 метр, майдони 0,25-0,30 гектарли кўрғонча бўлган. Қизиғи шундаки, «Шўрча»га яқинроқ ерда қорақалпоқнинг Нукус уруви (уруғи) яшаган. Бу ерда одамлар деҳқончилик, чорвачилик, овчилик билан шуғулланган. 1873 йилнинг 18 декабрида Туркистон генерал-губернатори Кауфман Россия ҳарбий министридан Амударё бўлимининг ҳокимлик марказини Петро-Александровскдан (ҳозирги Тўрткўл) Нукусга кўчириш, бунинг учун 95 минг сўм пул ажратишни илтимос қилган. Шундан кейин Нукусда ҳарбий кўрғон қурилиб, 1874 йили битказилган.

Ўша йилнинг 16 ноябрида Россия давлати Нукус қишлоғининг номи билан аталувчи кўрғонни шакллантириш фармонига имзо чеккан. 1907 йили шаҳарда эски хом ғиштдан қурилган казарманинг харобалари ўрнига янги иморат тикланган. 1928 йилнинг 29 сентябрида Қорақалпоғистон Автоном вилояти ижроия қўмитаси президиуми Нукусда янги ҳокимлик маркази қуриладиган жойини белгилаш ҳақида қарор чиқарган. Собиқ иттифоқ марказий ижроия қўмита президиумининг 1932 йилнинг 1 апрелидаги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон маркази Нукус деб белгиланди.

Шаҳар қурилишининг биринчи босқичи 3 йилга мўлжалланган бўлиб, аҳолиси 10 йилда 20 мингга етиши кўзда тутилганди. Қурилиш ишлари 6 йилдаёқ якунланди. Уруш бошланиши арафасида шаҳарда 47 корхона, жумладан, беда уруғини тозалайдиган завод, ун тегирмони, сут-ёғ заводи каби ишлаб чиқариш масканлари бўлган. Давлат банки, почта, меҳмонхона, кўплаб турар-жойлар барпо этилган. Мебель ва тикиш фабрикаси, пиво заводи, двигатель таъмирлаш корхоналарида минглаб одамлар меҳнат қила бошлашди. Кейинчалик Нукус давлат университети, «Тошкент» меҳмонхонаси, Бердақ номли қорақалпоқ мусиқа театри, телефон станция, кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилди.

— Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон пойтахтида қандай бунёдкорлик ишлари амалга оширилди?

— Халқимиз истиқлол нафасидан баҳраманд бўлган йилларда ажойиб объектлар бунёд этилдики, буларни кўриб кўз қувнайди. Хусусан, улар орасида марказий банк, «ЎзДЭУавто» хизмат кўрсатиш станцияси, жанубий автовокзал, автокемпинг, беш минг ўринли амфитеатр, давлат мулки қўмитаси, хўжалик суди, шаҳар прокуратураси каби муассасаларнинг бинолари замонавий услубда қурилгани билан шаҳарни яшартириб юборган. Бундан ташқари ўнлаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар вужудга келди. «Буюк ипак йўли» бозори қурилиши якунланай, деб қолди. Ўзбекистон — Америка «Ўздунробита» қўшма корхонаси, «Катекс» тўқимачилик мажмуаси, Амударё орқали Ўзбекистоннинг турли вилоятларни боғлайдиган йирик кўприк фойдаланишга топширилди. Яна кабель заводи, «Қорақалпоқбуян» ҳиссадорлик жамиятларида тайёрланаётган маҳсулотлар экспортбоплиги билан ажралиб турибди.

Ҳозир мамлакат пойтахтининг бош лойиҳасини қайта ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда. Бош лойиҳага мувофиқ бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари янада кенгайтирилди. Хусусан, санъат музейи, кўп қаватли уй-жойлар, А.Навоий, Н.Жапаков, П.Сейтов, М.Жуманазаров номлари билан аталувчи хиёбонлар барпо этилади. Республика шифохонаси замонавий талаблар асосида қайта таъмирланади. Бир сўз билан айтганда, нукусликлар катта тўйни муносиб қаршилашга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирланмоқдалар.

Нукусдаги шошилинч тез тиббий ёрдам маркази

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ОНКОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

«ОНКОЛОГИЯ» (1та ўрин) «НУР ДИАГНОСТИКАСИ ВА ТЕРАПИЯСИ» (1та ўрин) мутахассислиги бўйича кундузги аспирантура бўлимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 383-уй.

АСПИРАНТУРА БЎЛИМИ.

ЗОМИН ШАРШАРАСИ


■ Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат

СПОРТ

ҒОЛИБНИ «НЕКСИЯ» КУТМОҚДА

Кеча Фарғона шаҳрида белбоғли кураш бўйича Республикамиз Президенти соврини учун йирик халқаро турнир бошланди. «Фарғона» марказий ўйингоҳида ўтаётган мазкур мусобақада юртимиз полвонларидан ташқари Россия, Украина, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон сингари давлатлар вакиллари ҳам гиламга чиқишмоқда.

Етти вазн тоифасида уюштирилаётган турнирнинг дастлабки кунида саралаш баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақанинг мутлақ ғолиби ва бошқа совриндорлари бугун аниқланади. Турнир чемпионини эса бош соврин — «Нексия» автомашинаси кутмоқда.

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Шу йилнинг 15-31 октябрь кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати финал босқичлари ўтказилади. Унда Виктор Борисов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам қатнашади. Ўтган ҳафта ана шу мусобақага қуръа ташланди.

Қуръага кўра, қитъа чемпионатига йўлланма олган ўн икки терма жамоа уч гуруҳга бўлинди. Мутахассисларнинг фикрича, ёшларимиз бирмунча кучли гуруҳдан жой олган. Иштирокчилар билан танишинг:

«А» гуруҳи: Қатар, Таиланд, Жанубий Корея, Ўзбекистон.

«В» гуруҳи: Бангладеш, Япония, Ҳиндистон, Саудия Арабистони.

«С» гуруҳи: БАА, Сурия, Хитой, Вьетнам.

Гуруҳларда дастлабки икки ўрин, шунингдек, энг яхши натижа кўрсатган иккита учинчи ўрин соҳиблари чорак финал жуфтликларини ташкил этади. Мусобақа жадвалига кўра, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 15 октябрда Таиланд, 18 октябрда Жанубий Корея, 21 октябрда эса Қатар футболчиларига қарши яшил майдонга тушишади.

18-ТУР УЧРАШУВЛАРИ

Кеча футбол бўйича олий лига жамоалари «Пахтакор» — «Насаф» учрашуви билан 18-тур баҳсларини бошлашди. Мазкур ўйинда эса сўнгги пайтда ўз фаолиятини Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Шабаб» жамоасида ўтказган футболимиз юлдузи Миржалол Қосимов яна севимли клуби «Пахтакор» шарафини ҳимоя қилди.

Бугун эса «Трактор» — «Андижон», «Самарқанд-Д» — «Металлург», «Бухоро» — «Қизилқум», «Қўқон-1912» — «Дўстлик», «Машъал» — «Навбаҳор» жамоалари ўзаро куч синашадилар. «Сўғдиёна» — «Нефтчи», «Зарафшон» — «Сурхон» ўйинлари эртага ўтказилади.

■ Эркин ХОЛБОБО

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 83-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияси 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	67	82	21	40037396.1	Чипталар рақами	Сумма: 1500	17 ТУР	Сони: 248
12	5	25	58	6 ТУР	50037143.3	12 ТУР	40	Сумма: 400
47	1	73	9	52	60010425.2	48	Сони: 36	23 ТУР
20	56	83	78	7	90029532.3	Сони: 4	Сумма: 900	44
16	35	Сони: 2	2	Сони: 3	9 ТУР	Сумма: 1400	18 ТУР	Сони: 446
53	3	Сумма:	46	Телевизор	76	13 ТУР	64	Сумма: 300
87	4	2250000	37	Чипталар	Сони: 4	32	Сони: 37	24 ТУР
36	57	Чипталар	86	рақами	Телевизор	Сони: 6	Сумма: 800	88
38	74	рақами	50	50025423.1	Чипталар рақами	Сумма: 1300	19 ТУР	Сони: 617
14	Сони: 1	10009567.3	65	70014379.2	20021909.2	14 ТУР	11	Сумма: 300
18	Телевизор	60029629.3	62	90008513.2	50015384.2	19	Сони: 22	Қўшимча тур
42	Чипта	4 ТУР	Сони: 2	7 ТУР	60035123.3	Сони: 6	Сумма: 700	Сони: 14
59	рақами	33	Сумма:	85	90037279.2	Сумма: 1200	20 ТУР	Сумма: 900
Сони: 1	20015624.1	63	5500000	Сони: 3	10 ТУР	15 ТУР	84	Халтадан чиқмаган шарлар:
Телевизор	3 ТУР	28	Чипталар	Телевизор	71	8	Сони: 88	17,
Чипта рақами	70	90	рақами	Чипталар	Сони: 3	Сони: 7	Сумма: 600	31,
20015378.2	24	51	30015727.3	рақами	Телевизор	Сумма: 1100	21 ТУР	34,
2 ТУР	69	54	80026395.1	10027079.3	Чипталар рақами	16 Тур	81	41,
77	6	23	5 ТУР	40010628.1	20020123.1	68	Сони: 158	45,
61	72	43	60	80015292.3	60013134.1	Сони: 11	Сумма: 500	80
13	49	66	Сони: 1	8 ТУР	80010321.3	Сумма: 1000	22 ТУР	
89	79	27	Телевизор	22	11 ТУР		39	
26	75	15	Чипта	Сони: 3	29			
30	55	10	рақами	Телевизор	Сони: 4			

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 5 сентябрдаги 85-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 тур - 2 хонали уй Тошкент ш.(4500000 сўм)
2 тур - 2 хонали уй Тошкент ш.(4500000 сўм)
3 тур - 2 хонали уй Тошкент ш.(4500000 сўм)
4 тур - 2 хонали уй Тошкент ш.(4500000 сўм)
5 тур - 2 хонали уй Тошкент ш.(4500000 сўм)
6, 7, 8, 9, 10 турларда - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
11, 12, 13, 14, 15 турларда - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
Ва қўшимча пул ютуқлари



"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ёзги мавсум муносабати билан ҳар иккинчи ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

ООО «SAL-LOLA» приняло решение о реорганизации. Правопреемником всех прав и обязанностей реорганизуемого ООО является **ООО «Best-SUN»**

Претензии принимаются в месячный срок со дня опубликования объявления.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Саъдулла Ҳакимовга онаси **САЛОЯТ бувининг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси **Ориф ОДИЛХОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўсту биродарларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 671

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 00-40
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA